Ўзбекистон Республикаси

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

"AUDIT-HISOB MARKAZI"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шахри,180100, Мустақиллик шоҳкўчаси, 2-уй, тел. +99891-4603010
Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 02.04.2019 й.даги 00762-сон лицензиясига эга.

«QASHQADARYO VILOYAT AGROKIMYOHIMOYA» Х.А.J. бошқарувининг
2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларига
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: «QASHQADARYO VILOYAT AGROKIMYOHIMOYA» Х.А.J. СТИР рақами 202 154 632.
Манзил: Қарши шаҳри, Жайҳун кўчаси, 43-уй.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси 2-уйда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Жабборов Зариф Тошматович томонидан **«QASHQADARYO VILOYAT AGROKIMYOHIMOYA» Х.А.J. бошқарув**ининг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2019 йил ҳолатидаги умумлашган молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **«QASHQADARYO VILOYAT AGROKIMYOHIMOYA» Х.А.J. бошқаруви** нинг илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, **«QASHQADARYO VILOYAT AGROKIMYOHIMOYA» Х.А.J. бошқаруви** нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ишонарли акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари : З.ЭРГАШЕВА

Аудитор : З.ЖАББОРОВ

2020 йил, 28 сентябр